



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 5 » апрель

№ПҚ–153

Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қишлоқ хўжалигидаги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали озиқ-овқат экинлари етиштиришни кўпайтириш, аҳоли, шу жумладан, ёшлар бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, туман ҳокимликлари захирасидаги 60 минг гектар ер майдони (кейинги ўринларда – ер майдонлари) электрон онлайн аукцион савдоларига қўйилиб, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун устувор равишда 1-иловага мувофиқ ёшларга ижарага берилади ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи қўйидаги янги тизим жорий этилади:

а) бир ой муддатда 60 минг гектар ер майдонини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали “маҳалла еттилиги”нинг тавсияси билан шакллантириладиган рўйхатга киритилган ёшлар (кейинги ўринларда – талабгорлар) ўртасида ўтказилади. Бунда:

ер майдонларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари ёлибларига ер участкаси нархини 10 йил муддатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;

закалат пули базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида белгиланади;

б) талабгорларга:

сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинлар етиштиришга суғориладиган экин майдонлари;

боғдорчилик-ўзумчилик йўналишлари учун кўп йиллик дарахтзорлар ёки самарасиз боғлар ер майдонлари;

доривор ўсимликлар етиштириш, чорвачилик йўналишлари учун чорва озуқаси экинларини етиштиришга мўлжалланган, лалми, бўз, яйлов ва янги ўзлаштирилган ер майдонлари **30 йил** муддатгача кичик лотларда “бир массив – бир маҳсулот” тамойили асосида ижарага берилади.

Бунда, электрон онлайн аукцион савдоларида **1 нафар** талабгор иштирок этган тақдирда, истисно тариқасида, **аукцион ўтказилган ҳисобланади** ҳамда ушбу имтиёзли шартлар асосида ўтказиладиган аукцион савдоларида ёшларга ер майдонини фақат бир маротаба ижарага олишга рухсат берилади;

в) талабгорларга ажратиладиган ер майдонлари ўлчамлари “**маҳалла етилиги**” таклифига кўра аниқланади. Бунда:

“**маҳалла етилиги**” томонидан талабгорларга “**E-auksion**” электрон савдо платформасига жойлаштириладиган ер майдонлари бўйича кичик лотларни **мажбурий бириктиришга йўл қўйилмайди**;

ишни яхши ташкил қиладиган **тадбиркорлар, маҳсулотни қайта ишловчи ёки экспорт қилувчиларга** “Ёшлар дафтари”даги бир нечта ёшларнинг бандлигини таъминлаш мажбурияти билан **яхлит контурдаги** ер майдонларини беришга рухсат берилади;

г) ер майдонларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали ижарага олган ёшлар “**Темир дафтар**”, “**Аёллар дафтари**”, “**Ёшлар дафтари**”дан **чиқарилмайди** ва улар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялар сақлаб қолинади;

д) талабгорлар томонидан ер майдонларида етиштириладиган экин турлари ва улар миқдорининг доимий мониторинги Ёшлар ишлари агентлигининг “**Ёш фермерлар**” платформаси орқали амалга оширилади.

Ёшлар ишлари агентлиги бир ой муддатда Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши ташаббуси асосида “**Ёш фермерлар**” платформасини ишга туширсин ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “**Агроплатформа**” ахборот тизими билан интеграция қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш. Ғаниев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда ушбу тадбирларни 20 кун муддатда сифатли ташкил қилиш бўйича масъул этиб белгилансин.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи янги тизимни жорий қилиш мақсадида талабгорлар Ёшлар ишлари агентлиги туман (шаҳар) бўлими билан келишилган ҳолда “Агробанк” АТБнинг **“Фермерлар мактаби”, “Сувчилар мактаби”, аграр соҳада кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларига ва ҳудудлардаги кичик бизнесга кўмаклашиш марказларига ўқув курсларига йўналтирилсин.**

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда аграр соҳадаги ва ҳудудлардаги бошқа олий таълим муассасалари тегишли ўқув-тажриба участкаларида **боғ ва токзорларни барпо этиш, сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш бўйича кўргазмали дала майдонлари барпо этилишини таъминласин.**

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи янги тизим бўйича **талабгорларга қўйидаги қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилсин:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги **“Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ–52-сон қарорида назарда тутилган шартларда ва маблағлар доирасида талабгорларга тижорат банклари томонидан **7 йилгача** муддатга **100 млн сўмгача кредит** ажратиш. Бунда, қарор доирасида барча турдаги кредитларни **“маҳалла етилиги”**нинг кафиллиги асосида ажратишга рухсат берилади ҳамда улар кредитларнинг натижадорлиги учун тенг жавобгар бўлади;

талабгорларга мини-техника, уруғ ва кўчат харидига **“Ёшлар дафтари”** жамғармасидан **5 миллион сўмдан субсидия**, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан – **33 млн сўмгача кредит** ажратиш;

“Агробанк” АТБ ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан жойлардаги **167 та “Агромарказлар”** орқали хусусий секторни жалб этган ҳолда **уруғ, кўчат етказиш, минерал ўғит бериш, мини-техника ва агроном хизматлари** йўлга қўйилади ҳамда етиштирилган маҳсулотни харид қилишга **қайта ишловчилар ва экспорт қилувчилар** бириктирилади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорга мувофиқ ижарага бериладиган ер майдонларида **турар жой, бино ва иншоотлар қуриш қатъиян ман этилади;**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари экин майдонларини ёшларга ажратишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ер участкаси ижара шартномаси асосида белгиланган ҳуқуқлари бузилмаслигига **шахсан жавобгар ҳисобланади.**

6. Ёшларга ажратиладиган ер майдонлари учун мини-техника, уруф ва кўчат харид қилишга 2024 йилда Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) “Ёшлар дафтари” жамғармасидан **50 миллиард сўмгача**, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.Хаитов) Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан **60 миллиард сўмгача** маблағ йўналтириш чораларини кўрсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2024 йилда 2-иловага мувофиқ **қўшимча 218 минг гектар ер майдонини янгидан ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга киритиш** юзасидан таклифига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари, Бош прокуратура (Ж.Хатамов), Ички ишлар вазирлиги (С.Нишанбаев) мазкур бандга асосан **қўшимча ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга киритишга шахсан масъул этиб белгилансин.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Ғаниев **қўшимча 218 минг гектар ер майдони янгидан ўзлаштирилиши ва қайта фойдаланишга киритилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.**

8. 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қўшимча ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга киритиш схемаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, қўшимча ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга киритиш учун 2-иловага мувофиқ:

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан **200 миллиард сўм** миқдоридаги фоизсиз қарз маблағлари;

2024 йил учун Давлат бюджети параметрларида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ер майдонлари ва чўл ҳудудларидаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун режалаштирилган **100 миллиард сўм**;

халқаро молия институтларининг грант маблағлари;

ушбу тадбирларни амалга оширишга етишмаган қолган маблағлар **Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилади.**

Белгилансинки, ички суғориш тармоқларини ва улардаги гидротехник иншоотларни қуриш ва таъмирлаш ишлари ушбу ер участкаларини ижарага оладиган ташаббускорлар томонидан амалга оширилади.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қудуқ қазиш, суғориш тармоқларини тиклаш орқали ер майдонларини сув билан таъминлаш, электр энергиясини тортиш, сув тежовчи технологияларни жорий этишнинг техник ва молиявий кўрсаткичларини белгилайди ҳамда ушбу ишларни амалга оширувчи **пудратчи ташкилотларни, истисно тариқасида, мустақил аниқлайди;**

мазкур қарорга 2-иловадаги ер майдонларини ижарага беришдан тушадиган маблағлар (аукцион харажатларидан ташқари) Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига қайтарилади.

10. Бош прокурор Ҳисоб палатаси билан биргаликда мазкур қарорнинг 8-бандида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг:

428-моддасига мувофиқ **томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилган ерлар** – томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан **беш йил муддатга**, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун **янги ўзлаштирилаётган ерлар** – ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан **беш йил мобайнида** ҳамда янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланишдан қатъи назар, **беш йил муддатга ер солиғидан озод қилинганлиги;**

337-моддасига мувофиқ ушбу Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган мезонларга жавоб берувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ўзи ишлаб чиқарган ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойдаси бўйича **фойда солиғи ставкаси ноль фоиз** миқдорида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори М.М. Убайдуллаев ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси К.К. Куранбаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**2024 йилда туман ҳокимликлари захирасидаги 60 минг гектар ер
майдонини электрон онлайн аукцион орқали ижарага олувчи
ёшларнинг тоифаси***

1. “Темир дафтар”га киритилган оила фарзанди**.
2. “Аёллар дафтари”га киритилган аёллар фарзанди**.
3. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар.
4. “Меҳр дафтари”га киритилган ёшлар**.
5. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оила фарзанди**.
6. Оиласи кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш фуқаро.
7. Ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларига бириктирилган ёшлар.
8. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишдан қайтган ёшлар.
9. Боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш фуқаро.
10. I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқароларнинг соғлом фарзанди**.
11. Ногиронлиги бўлган бола парвариши билан шуғулланаётган ёш оила (эр-хотиннинг бири).
12. Ота-оналардан бирида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёки ота-онасида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёш фуқаро.
13. Табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган ёш фуқаро.

Изоҳ:

** қуйидаги ёшларга электрон онлайн-аукцион савдоларида қатнашиб ерни ижарага олишга йўл қўйилмайди:*

- а) 30 сотидан кўп томорқа ери бўлиб, ундан фойдаланмаётган ёшлар;*
- б) илгари очиқ электрон танловларда ёки электрон онлайн-аукцион савдоларида ерни ижарага олган ёшлар.*

*** 18–30 ёшдаги фуқаролар инобатга олинади.*

2024 йилда қўшимча 218 минг гектар ер майдонини янгидан ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга киритиш
РЕЖА-КўРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Худудлар номи	2024 йилда янги ўзлаштирилган ва қайта фойдаланишга киритилган ер майдонлари, (гектар)	шундан				2024 йилда ажратилган маблағлар миқдори	Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан, (млн АҚШ доллари) *	
			I чорак (матълумот учун)	II чорак (режа)	III чорак (режа)	IV чорак (режа)			Қишлоқ хўжалигини давлат томондан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, (млн сўм)
1	Қорақалпоғистон Республикаси	20 000	2 050	5 180	5 204	7 566	18 376	9 188	5
2	Андижон вилояти	7 100	58	1 694	2 507	2 842	6 523	3 262	4
3	Бухоро вилояти	20 000	2 441	5 134	4 999	7 427	18 376	9 188	5
4	Жиззах вилояти	21 476	2 249	3 969	7 745	7 513	19 732	9 866	
5	Қашқадарё вилояти	25 000	4 127	6 071	5 986	8 816	22 970	11 485	
6	Навоий вилояти	12 000	1 253	2 937	3 342	4 468	11 025	5 513	5
7	Наманган вилояти	10 000	1 067	2 801	2 283	3 849	9 188	4 594	4
8	Самарқанд вилояти	20 001	1 878	3 815	7 199	7 109	18 376	9 188	
9	Сурхондарё вилояти	25 059	2 912	5 944	7 035	9 168	23 024	11 512	
10	Сирдарё вилояти	10 003	909	2 499	2 809	3 786	9 226	4 613	
11	Тошкент вилояти	20 000	950	3 422	8 376	7 252	18 376	9 188	
12	Фарғона вилояти	10 001	1 341	2 682	1 984	3 993	9 188	4 594	4
13	Хоразм вилояти	17 000	791	3 554	6 244	6 411	15 620	7 809	5
	Жами	217 640	22 025	49 701	65 713	80 200	200 000	100 000	32

*Изоҳ:

Халқаро молия институтлари маблағлари 217,7 минг гектардан бошқа ерларни ўзлаштирилишига жсалб этилиши мумкин.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги тоғолди ва қир адирикларни ўзлаштириш учун Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасидан (IFAD) 8 млн АҚШ доллари, Еуропа Иттифоқидан 2,5 млн АҚШ доллари, Жаҳон банкидан 1,5 млн АҚШ доллари миқдоридан грант маблағлари жсалб этилади.

Оролбўйи минтақасидаги ерларни ўзлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларида Яшил иқлим жамғармасидан 9 млн АҚШ доллари, Глобал экологик жамғармасидан (GEF) 6 млн доллар, Абу-Даби жамғармасидан 5 млн АҚШ доллари миқдоридан грант маблағлари жсалб этилади.

2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қўшимча ер майдонларини
янгидан ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга киритиш схемаси

Босқичлар	Масъул вазирлик ва идоралар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги	Фойдаланишдан чиққан ва янги ўзлаштирилаётган ерларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш.	Бир ҳафта муддатда
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги	Фойдаланишдан чиққан ва янги ўзлаштирилаётган ерларни фойдаланишга киритиш учун ишчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш.	Икки ой муддатда
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Ишчи лойиҳалар асосида белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйича пудрат ташкилотларини аниқлаш.	Ўн беш кун муддатда
4-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги	Пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиш.	Лойиҳада белгиланган муддатларда
5-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги	Фойдаланишга киритилган ва янги ўзлаштирилган ерларни аукцион савдолари орқали жисмоний ва юридик шахсларга ижара ҳуқуқи асосида ажратиш.	Бир ой муддатда





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 5 » апреля

№ПП–153

О мерах по повышению доходов и обеспечению занятости молодежи путем выделения ей земель, а также освоению новых земельных площадей

В целях увеличения производства продовольственных культур путем эффективного использования земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве, обеспечения занятости и повышения доходов населения, в том числе молодежи:

1. Установить, что **60 тысяч гектаров земельных площадей**, находящихся в резерве районных хокимиятов (далее – земельные площади), выставляются на **электронные онлайн-аукционные торги**, которые передаются в аренду молодежи в приоритетном порядке согласно приложению № 1 для организации дехканских хозяйств, а также внедряется нижеследующая **новая система, охватывающая цепочку от производства сельскохозяйственной продукции до ее реализации**:

а) электронные онлайн-аукционные торги по передаче в аренду 60 тысяч гектаров земельных площадей проводятся в месячный срок среди молодежи, включенной в список, который будет сформирован по **рекомендации «махаллинской семерки»** (далее – претенденты), посредством электронной торговой платформы «**E-auksion**». При этом:

победителям электронных онлайн-аукционных торгов по передаче в аренду земельных площадей разрешается выплачивать в беспроцентную рассрочку стоимость земельного участка в течение 10 лет в равных долях;

размер задатка определяется в однократном размере базовой расчетной величины;

б) претендентам передаются в аренду сроком **до 30 лет** в малых лотах на основе принципа «**один массив – одна продукция**»:

орошаемые посевные площади для производства **овощей, картофеля, бахчевых культур, цветов, зелени, зерен кукурузы, бобовых и масличных культур**;

земельные площади многолетних насаждений или неэффективных садов для **садоводческого и виноградарского** направлений;

земельные площади, предназначенные для производства кормовых культур, богарные, целинные, пастбищные и новые освоенные земельные площади для производства **лекарственных растений**, направления **животноводства**.

При этом в случае участия в электронных онлайн-аукционных торгах одного претендента **аукцион**, в порядке исключения, **считается проведенным**, а также молодежи на аукционных торгах, проводимых на основе данных льготных условий, разрешается получать в аренду земельную площадь только один раз;

в) размеры земельных площадей, выделяемых претендентам, определяются в соответствии с предложением **«махаллинской семерки»**. При этом:

не допускается закрепление в обязательном порядке **«махаллинской семеркой»** за претендентами малых лотов по земельным площадям, размещаемым на электронной торговой платформе **«E-auksion»**;

разрешается предоставление хорошо организующим работу **предпринимателям, переработчикам или экспортерам продукции** земельных площадей **на сплошном контуре** с обязательством обеспечения занятости нескольких молодых людей, включенных в «Молодежную тетрадь»;

г) молодежь, получившая в аренду земельные площади посредством электронных онлайн-аукционных торгов, из **«Железной тетради», «Женской тетради»** и **«Молодежной тетради»** не исключается и все установленные для нее законодательством **льготы и преференции сохраняются**;

д) постоянный мониторинг видов и объема культур, выращиваемых претендентами на земельных площадях, осуществляется посредством платформы **«Ёш фермерлар»** («Молодые фермеры») Агентством по делам молодежи.

Агентству по делам молодежи в месячный срок на основе инициативы Совета молодых фермеров Узбекистана запустить платформу **«Ёш фермерлар»** («Молодые фермеры») за счет средств Фонда поддержки государственной молодежной политики и интегрировать ее с информационной системой **«Агроплатформа»** Министерства сельского хозяйства.

Определить советника Президента Республики Узбекистан Ганиева Ш. ответственным за качественную организацию совместно с Председателем Совета Министров Республики Каракалпакстан и хокимами областей данных мероприятий в двадцатидневный срок.

2. В целях внедрения новой системы, охватывающей цепочку от производства до реализации сельскохозяйственной продукции, направить претендентов **на учебные курсы в «Школу фермеров» и «Школу водников» АКБ «Агробанк», высших образовательных учреждений по подготовке кадров в аграрной сфере и центрах содействия малому бизнесу в регионах** по согласованию с районными (городскими) отделами Агентства по делам молодежи.

3. Министерству высшего образования, науки и инноваций совместно с Министерством сельского хозяйства в месячный срок обеспечить создание **показательных полевых площадей по возведению садов и виноградников, производству овощей, картофеля, бахчевых, бобовых и масличных культур** на соответствующих учебно-опытных участках высших образовательных учреждений в аграрной сфере и других высших образовательных учреждениях в регионах.

4. Внедрить следующие **меры поддержки претендентов** по новой системе, охватывающей цепочку от производства до реализации сельскохозяйственной продукции:

выделение претендентам коммерческими банками в рамках условий и средств, предусмотренных в постановлении Президента Республики Узбекистан от 15 декабря 2021 года № ПП–52 «О мерах по государственной поддержке сферы плодоовощеводства, дальнейшему развитию системы кластера и кооперации в отрасли», **кредитов в размере до 100 млн сумов на срок до 7 лет**. При этом в рамках постановления разрешается выделение всех видов кредитов на основе поручительства «**махаллинской семерки**» и она несет равноценную ответственность за результативность кредитов;

выделение претендентам на закупку мини-техники, семян и рассады **субсидии в размере по 5 миллионов** из Фонда «**Молодежной тетради**», кредитов в размере **до 33 млн сумов** – из Фонда поддержки фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель;

АКБ «Агробанк» и Советом фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель Узбекистана посредством **167 «агроцентров»** на местах организуются услуги **поставки семян, рассады, внесения минеральных удобрений, мини-техники и агронома** с привлечением частного сектора, а также к закупке выращенной продукции прикрепляются **переработчики и экспортеры**.

5. Установить, что:

на земельных площадях, передаваемых в аренду в соответствии с настоящим постановлением, **строительство жилья, зданий и сооружений строго запрещается;**

Председатель Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимы областей **при выделении молодежи посевных площадей** несут **персональную ответственность** за ненарушение прав производителей сельскохозяйственной продукции, установленных на основе договора аренды земельного участка.

6. Агентству по делам молодежи (Саъдуллаев А.) и Совету фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель Узбекистана (Хаитов А.) принять меры по направлению в 2024 году средств на закупку мини-техники, семян и рассады для земельных площадей, выделяемых молодежи, **до 50 миллиардов сумов** из Фонда «Молодежной тетради» и **до 60 миллиардов сумов** – из Фонда поддержки фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель соответственно.

7. Согласиться с предложением Министерства сельского хозяйства, Министерства водного хозяйства, Совета Министров Республики Каракалпакстан и хокимиятов областей **о новом освоении и повторном введении в пользование дополнительных 218 тысяч гектаров земельной площади** в 2024 году согласно приложению № 2.

Возложить на Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан и хокимов областей, Генеральную прокуратуру (Хатамов Ж.), Министерство внутренних дел (Нишанбаев С.) **персональную ответственность за новое освоение и повторное введение в пользование дополнительных земельных площадей** на основании настоящего пункта.

Советнику Президента Республики Узбекистан Ганиеву Ш. установить **строгий контроль за новым освоением и повторным введением в пользование дополнительных 218 тысяч гектаров земельных площадей.**

8. Утвердить Схему нового освоения и повторного введения в пользование дополнительных земельных площадей в Республике Каракалпакстан и областях в 2024 году согласно приложению № 3.

При этом для нового освоения и возвращения в оборот дополнительных земельных площадей согласно приложению № 2 выделяются:

беспроцентные заемные средства в размере **200 миллиардов сумов** за счет Фонда государственной поддержки сельского хозяйства;

100 миллиардов сумов, запланированных в параметрах Государственного бюджета на 2024 год для повторного введения в пользование орошаемых земельных площадей и земель степной местности, не используемых в сельском хозяйстве;

грантовые средства международных финансовых институтов;

часть средств, недостающая для реализации данных мероприятий, – за счет **дополнительных источников бюджета Республики Каракалпакстан и местных бюджетов областей**.

Определить, что работы по строительству и ремонту внутренних оросительных сетей и гидротехнических сооружений в них осуществляются инициаторами, получающими в аренду данные земельные участки.

9. Установить порядок, в соответствии с которым:

Совет Министров Республики Каракалпакстан и хокимияты областей определяют технические и финансовые показатели обеспечения водными ресурсами земельных площадей, прокладки электроэнергии, внедрения водосберегающих технологий путем бурения скважин, восстановления оросительных систем, а также **самостоятельно определяют, в порядке исключения, подрядные организации**, осуществляющие данные работы;

средства (помимо аукционных расходов), поступающие от аренды земельных площадей, указанные в приложении №2 к настоящему постановлению, возвращаются в Фонд государственной поддержки сельского хозяйства.

10. Генеральному прокурору совместно со Счетной палатой установить контроль за целевым расходованием средств, выделяемых на реализацию мероприятий, предусмотренных в пункте 8 настоящего постановления.

11. Принять к сведению, что:

в соответствии со статьей 428 Налогового кодекса Республики Узбекистан освобождаются **от уплаты земельного налога земли**, на которых внедрена технология капельного орошения, – **сроком на пять лет** с начала месяца, в котором внедрена технология капельного орошения, **вновь осваиваемые земли для сельскохозяйственных целей** — на период выполнения работ по их освоению и в течение пяти лет со времени их освоения в соответствии с проектом, утвержденным уполномоченным органом, а также земли, на которых произведены новые посадки садов, виноградников и тутовников, – **сроком на пять лет**, независимо от использования междурядий для посева сельскохозяйственных культур;

в соответствии со статьей 337 Налогового кодекса Республики Узбекистан сельскохозяйственным товаропроизводителям, отвечающим критериям, предусмотренным статьей 57 настоящего Кодекса, по прибыли, полученной от реализации произведенной ими сельскохозяйственной продукции собственного производства, **ставка налога на прибыль определена в размере ноль процентов.**

12. Министерству сельского хозяйства совместно с Министерством экономики и финансов, заинтересованными министерствами и ведомствами в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.

13. Возложить на директора Агентства по работе махаллабай и развития предпринимательства Убайдуллаева М.М. и председателя Ассоциации махаллей Узбекистана Куранбаева К.К. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

Обсуждение хода исполнения настоящего постановления, осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за его исполнение, возложить на советника Президента Республики Узбекистан Ганиева Ш.М.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

**Категории молодежи, арендующей 60 тысяч гектаров земельной
площади, находящейся в резерве районных хокимиятов, в
2024 году через электронный онлайн-аукцион***

1. Дети из семей, включенных в «Железную тетрадь»**.
2. Дети женщин, включенных в «Женскую тетрадь»**.
3. Представители молодежи, включенные в «Молодежную тетрадь».
4. Представители молодежи, включенные в «Мехр дафтари»**.
5. Дети из семей, включенных в «Единый реестр социальной защиты»**.
6. Молодые граждане из малообеспеченной семьи и нуждающиеся в социальной защите.
7. Представители молодежи, прикрепленной к органам правопорядка и обороны.
8. Представители молодежи, вернувшейся из трудовой миграции за рубежом.
9. Нуждающиеся в социальной защите молодые граждане, потерявшие кормильца и лишенные родительской опеки.
10. Здоровые дети граждан с инвалидностью I и II группы**.
11. Молодые семьи (один из супругов), занимающиеся уходом за ребенком с инвалидностью.
12. Молодые граждане, у которых один из родителей имеет инвалидность I или II группы, а второй – вынужден приостановить деятельность и ухаживать за больным, либо родители которых имеют инвалидность I или II группы.
13. Молодые граждане, жизни, здоровью, имуществу которых нанесен ущерб вследствие природных стихий, катастроф, пожаров и других чрезвычайных ситуаций.

Примечания:

** Не допускается участие нижеследующих представителей молодежи в электронных онлайн-аукционных торгах и получение ими в аренду земли:*

а) молодежь, имеющая более 30 соток приусадебной земли и не использующая ее;

б) молодежь, ранее получавшая землю в аренду через открытые электронные тендеры или электронные онлайн-аукционные торги.

*** Учитываются граждане в возрасте 18–30 лет.*

ПЛАН-ПОКАЗАТЕЛИ

НОВОГО освоения и повторного введения в пользование дополнительно 218 тысяч гектаров земельной площади в 2024 году

№	Наименование регионов	Новые осваиваемые и повторно вводимые в пользование в 2024 году земельные площади (гектар)	из них				Размер средств, выделяемых в 2024 году		
			I квартал (к сведению)	II квартал (план)	III квартал (план)	IV квартал (план)	За счет средств государственной поддержки сельского хозяйства, (млн сумов)	За счет средств республиканского бюджета, (млн сумов)	За счет средств международных финансовых институтов (млн долларов США) *
1	Республика Каракалпакстан	20 000	2 050	5 180	5 204	7 566	18 376	9 188	5
2	Андижанская область	7 100	58	1 694	2 507	2 842	6 523	3 262	4
3	Бухарская область	20 000	2 441	5 134	4 999	7 427	18 376	9 188	5
4	Джизакская область	21 476	2 249	3 969	7 745	7 513	19 732	9 866	5
5	Кашкардарьинская область	25 000	4 127	6 071	5 986	8 816	22 970	11 485	5
6	Навийская область	12 000	1 253	2 937	3 342	4 468	11 025	5 513	5
7	Наманганская область	10 000	1 067	2 801	2 283	3 849	9 188	4 594	4
8	Самаркандская область	20 001	1 878	3 815	7 199	7 109	18 376	9 188	4
9	Сурхандарьинская область	25 059	2 912	5 944	7 035	9 168	23 024	11 512	5
10	Сырдарьинская область	10 003	909	2 499	2 809	3 786	9 226	4 613	5
11	Ташкентская область	20 000	950	3 422	8 376	7 252	18 376	9 188	4
12	Ферганская область	10 001	1 341	2 682	1 984	3 993	9 188	4 594	4
13	Хорезмская область	17 000	791	3 554	6 244	6 411	15 620	7 809	5
	Всего	217 640	22 025	49 701	65 713	80 200	200 000	100 000	32

*** Примечания:**

Средства международных финансовых институтов могут быть привлечены к освоению 217,7 тысячи гектаров других земель.

Для освоения предгорных и равнинных земель в Андижанской, Наманганской и Ферганской областях будут привлечены грантовые средства Международного фонда развития сельского хозяйства (IFAD) в размере 8 млн долларов США, Европейского Союза - 2,5 млн долларов США, Всемирного банка - 1,5 млн долларов США.

Для освоения земель в регионе Приаралья будут привлечены в Республику Каракалпакстан, Бухарскую, Navoiyskuyu и Хорезмскую области грантовые средства из Зеленого климатического фонда в размере 9 млн долларов США, Глобального экологического фонда (GEF) - 6 млн долларов США, Фонда Абу-Даби - 5 млн долларов США.

**Схема нового освоения и повторного введения в пользование дополнительных земельных площадей
в Республике Каракалпакстан и областях в 2024 году**

Этапы	Ответственные министерства и ведомства	Меры	Сроки
1-й этап	Совет Министров Республики Каракалпакстан и хокимияты областей, Министерство сельского хозяйства, Министерство водного хозяйства	Формирование адресного перечня выведенных из оборота и новых осваиваемых земель.	В недельный срок
2-й этап	Совет Министров Республики Каракалпакстан и хокимияты областей, Министерство сельского хозяйства, Министерство водного хозяйства	Разработка рабочих проектов для введения в оборот выведенных из оборота и новых осваиваемых земель.	В двухмесячный срок
3-й этап	Совет Министров Республики Каракалпакстан и хокимияты областей	Определение подрядных организаций по осуществлению мер, определенных на основе рабочих проектов.	В пятнадцатидневный срок
4-й этап	Совет Министров Республики Каракалпакстан и хокимияты областей, Министерство сельского хозяйства, Министерство водного хозяйства	Приемка работ, выполненных подрядными организациями.	В сроки, определенные в проекте
5-й этап	Совет Министров Республики Каракалпакстан и хокимияты областей, Министерство сельского хозяйства, Агентство по управлению государственными активами	Выделение введенных в оборот и новых освоенных земель физическим и юридическим лицам через аукционные торги на основе права аренды.	В месячный срок

